O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 12 декабрь, № 240 (4650) Жума

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ишлатиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақидаги Бирлашган Конвенцияга (Вена, 1997 йил 5 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 10 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 5 декабрда маъқулланган

Ишлатиб бўлинган ёқилғи билан муомалада бўлиш хавфсизлиги тўғрисидаги ва радиоактив чиқиндилар билан муомалада бўлиш хавфсизлиги ҳақидаги Бирлашган Конвенцияга (Вена, 1997 йил 5 сентябрь) қўшилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 11 декабрь
№ ЎРҚ — 186

---

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18 ва 19-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»**ги 436-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 262-модда; 2008 йил, № 9, 481-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **18-модданинг учинчи қисмидаги** «январь-март» деган сўзлар «апрель-июнь» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **19-модданинг биринчи қисмидаги** «йилига икки марта: апрель-май ва октябрь-ноябрь» деган сўзлар «йилига бир марта – февраль-март» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 11 декабрь
№ ЎРҚ — 187

---

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 11 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 5 декабрда маъқулланган

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 11 декабрь
№ ЎРҚ — 188

---

# МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ – АМАЛДА

***Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ҳамма жойда қувончли самаралар бермоқда. Қишлоқларимизда ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилиб, аҳолининг иш билан таъминланаётгани ва ички бозорни тўлдираётгани ҳам буни тасдиқлайди.***

ИСЛОҲОТ

Янгиариқ туманида шу йилнинг март ойида иш бошлаган "Янгиариқ-Гуллабоғ" масъулияти чекланган жамиятида 10 турдан ортиқ сифатли кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган бу маҳсулотлар ўз харидорларини топиб улгурди. Муҳими, 45 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

Шу кунларда корхонада маҳсулот тури ва ҳажмини ошириш устида иш олиб борилаётир. Зарур ускуна ва жиҳозлар келтириб ўрнатилмоқда. Айтиш мумкинки, тез орада ушбу корхонада маҳсулот ҳажми ошади, янги иш ўринлари ташкил этилади ҳамда маблағ кўпаяди. Бу эса нафақат қишлоқ, балки шаҳарларимизнинг, бир сўз билан айтганда, юртимизнинг янада обод ва қудратли бўлишига ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

**СУРАТДА:** корхонанинг илғор ишчилари Сунбул Иброҳимова ва Феруза Рўзибоева иш устида.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**




---



***Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида "Юқори технологияли ишлаб чиқаришларга ўтиш ҳамда ҳозирги замон асбоб-ускуналари ва технологияларини жорий этиш — мамлакат саноатини ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.***

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ – РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

Анжуманда мамлакатимиз Президентининг шу йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни муваффақиятли амалга оширишда катта аҳамиятга эга эканлиги алоҳида эътироф этилди.

Хусусан, бу ҳужжат мамлакат иқтисодиёти реал секторини кенг кўламда қўллаб-қувватлаш ва унинг тузилмасини сифат жиҳатидан янгича ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлганлиги айтиб ўтилди. Айни вақтда ушбу Фармон корхоналарга жаҳон молиявий танглигининг салбий оқибатларини бартараф этиш, келгусида иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва маҳсулотлар сотишнинг янги бозорларини ўзлаштириш учун асос яратиши алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда ўтган йил ҳамда жорий йилда иқтисодиётнинг бир қатор тармоқларини модернизациялаш ва техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлашга оид масалалар таҳлил этилди. Унда айтилганидек, 2007 йилда иқтисодиётга жалб этилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 2006 йилдагига нисбатан 23 фоизга ошган ва 4,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Муҳими, бу сармоянинг 70 фоизга яқини ишлаб чиқариш объектларини қуриш, саноат корхоналарини замонавий техника ва технология билан таъминлашга йўналтирилган.

Тадбир чоғида шу йилнинг 9 ойи мобайнида ҳам мазкур ижобий тамойиллар, яъни иқтисодиётни тузилмавий ўзгартириш ҳамда унинг энг муҳим тармоқларини динамик модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта таъминлаш ишлари муваффақиятли давом эттирилиб, инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми 22,4 фоизга, тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми эса 33,5 фоизга ошганлиги эътироф этилди. Шу билан бирга, ушбу сармоя эвазига ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта таъминлаш дастури доирасида 51 та лойиҳа амалга оширилганлиги ҳамда кичик бизнес соҳасида 284 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилганлиги иштирокчиларнинг диққат марказида бўлди.

Давра суҳбати иштирокчилари ишлаб чиқаришни янгилаш жараёнларига халал бераётган муаммолар хусусида ҳам тўхталдилар. Эътироф этилганидек, бу муаммоларни бартараф этишда Президентимиз Фармонида назарда тутилган чора-тадбирлар катта кўмак беради.

## ФРАКЦИЯЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Мазкур йиғилишларда мамлакат Президентининг "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида мулоҳазалар билдирилди.

Шундан кейин "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси (биринчи ўқиш), "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси (иккинчи ўқиш), "Почта алоқаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси (учинчи ўқиш) муҳокама қилинди.

Йиғилишларда кўриб чиқилган қонун лойиҳалари юзасидан депутатлар, мутахассис ва экспертларнинг фикр-мулоҳазалари тинглaнди ҳамда фракцияларнинг шу масалалар юзасидан нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

**З. ХУДОЙШУКУРОВ.**

---

# Биз шундай кунларни орзу қилгандик

***Бу йил роппа-роса 105 ёшга тўлдим. Бахтлиман. Чунки саломатлигим жойида, фарзандларим, невара-эвараларим атрофимда. Қарилик гаштини тинч замонда сураяпман.***

**Дил сўзи**

Мен учун энг катта хурсандчилик шу-да. Доимо қўлимни дуога очганимда буларнинг бари учун шукр қиламан, юртимизга кўз тегмаслигини сўрайман, Юртбошимизга узоқ умр тилайман.

Мен ҳаётда жуда кўп нарсани кўрган инсонман. Уруш даври, очарчилик, қурғоқчилик йиллари... Эҳ-ҳе, у вақтларни эслашнинг ўзи жуда қийин. Фақат битта таскин берадигани сабр эди. Фақат сабр қилардик, бошқа чорамиз ҳам йўқ эди-да. Яхши кунлар, тўкин-сочин замонларни орзу қилардиг-у, лекин ундай кунларга етишишимизга сира ишонмасдик. Мана, юртимиз мустақил бўлганидан кейин ана шу ниятларимизнинг ижобатини ҳам кўрдик.

Аслида, замоннинг қандайлигини билиш кўпам қийин эмас. Меҳмонга борганингизда дастурхонга зеҳн солганмисиз? Масалан, ўзимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, олдимизга ёзилган дастурхоннинг тўкин-сочинлигидан хурсанд бўлиб кетаман. Нон етарли, мева-чева мўл, қанд-қурснинг тури кўп. Мана шунинг ўзи ҳаётимиз яхшилигини, тўкин-сочинлигини билдиради. Ёшларга насиҳат қилганда, бунинг қадрига етинглар, деб кўп айтамиз, ўргатамиз.

Кексаларни ҳурмат қилган, эъзозлаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Юртбошимизга минг раҳмат. У кишининг эътиборлари туфайли қариялар учун ҳамма шароит яратиб бериляпти. Пенсияларимиз доимо ошириляпти. Ҳеч кам жойимиз йўқ. Бу йил мустақиллик байрами арафасида Юртбошимиз Фармони билан юз ёшдан ошганлардан бир қанчаси "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Улар қаторида менга ҳам ушбу мукофот насиб қилди. Хурсандлигимдан кўзимга ёш келди ўшанда. Чунки ҳеч бир замонда кексалар учун бундай ғамхўрлик қилинмаган.

Ҳаммамиз Конституция, Қурбон ҳайити айёмларини нишонладик. Президентимиз ўша кунги чиқишларида кейинги йили қишлоқларга янада катта эътибор қаратилишини айтдилар. Қишлоқнинг оддий бир одами, кўпни кўрган киши сифатида бу гапдан жуда қувондим. Тўғри, ҳозиргача ҳам қишлоқларимизга шаҳардагидан кам эътибор қилинаётгани йўқ. Маҳалла гузарлари, дўконларни кўриб, ҳавас қиласан, киши. Невараларимиз узоқларга бориб эмас, ўзимизнинг қишлоқлардаги чиройли биноларда ўқишяпти. Юртбошимиз ёшларга бундан ҳам яхшироқ шарт-шароит яратиб бериш керак, деяптилар. Барака топсинлар. Ҳеч қачон кам бўлмасинлар. Биз у кишини ўз дуоларимиз билан қўллаб-қувватлайлик.

**Ирал ПАРПИЕВ, «Шуҳрат» медали соҳиби. Оҳангарон тумани.**

---

Бир рақам шарҳи

# ХАЛҚИМИЗНИНГ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ







**2008 йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, республикамизда қурилиш ишлари 8,4 фоизга ортди.**

**Халқимизнинг ана шундай бунёдкорлик салоҳияти туфайли жойларда кўплаб янги ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди, ижтимоий иншоотлар реконструкция қилинди.**

***Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун маъқулланди. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда парламентнинг қуйи палатаси томонидан қабул қилинган мазкур Қонун хусусида "Халқ сўзи" мухбири Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда РАЖАБОВА билан суҳбатлашди.***

# ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ

## адвокатура фаолиятини такомиллаштиришга доир Қонуннинг асосий мақсадидир

— Маълумки, Конституциямизнинг 116-моддасига биноан, айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади, — дейди сенатор. — Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Бунда фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура хизмат кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур конституциявий тамойилни рўёбга чиқариш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг барча босқичларида тадрижийлик принципига тўлиқ амал қилинган ҳолда адвокатура институтини янада кучайтириш учун ҳуқуқий механизм яратилди. Хусусан, 1996 йилнинг 27 декабрида "Адвокатура тўғрисида"ги, 1998 йилнинг 25 декабрида эса "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш бўйича Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлининг иккинчи босқичида, яъни 2000-2007 йиллар мобайнида "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунга давр талаби ва жамият эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда бир неча маротаба ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди. Бу адвокатура институтининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва миллий қонунчилиги тизимида нақадар муҳим ўрин эгаллаганидан далолат беради.

**— Мавжуда Абдуллаевна, мазкур Қонуннинг адвокатура институтини ривожлантиришдаги аҳамияти қандай?**

— Маълумки, куни кеча дунё ҳамжамияти, жумладан, мамлакатимиз ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини кенг миқёсда нишонлади. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур халқаро ҳужжатнинг асосий тамойиллари Конституциямизда тўлиқ ўз ифодасини топган. Бутун дунёда умумэътироф этилган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизми сирасига кирувчи адвокатура институти эса фуқаролик жамиятининг энг муҳим тузилмаларидан бири ҳисобланади. Декларация ҳам мана шу ҳуқуқни алоҳида эътироф этган. Шу боис бу институтни такомиллаштириш мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги давридаги энг муҳим йўналишлари жумласига киради. Шу йилнинг 1 майида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармони ҳам ушбу вазифанинг нечоғли долзарб ва катта аҳамиятга молик эканидан далолат беради.

Ушбу Фармоннинг 5-бандида "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ қонун лойиҳасини тайёрлаш белгиланган

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, мазкур Қонунга мувофиқ, Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ҳамда "Адвокатура тўғрисида"ги, "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларга бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Жумладан, айбланувчи (Жиноят-процессуал кодексининг 46-моддаси), гумон қилинувчи (Жиноят-процессуал кодексининг 48-моддаси), ҳимоячининг процессуал ҳуқуқлари кенгайтирилмоқда. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, эндиликда айбланувчи ёки гумон қилинувчи қамоққа олингани ёки турган жойи тўғрисида адвокатига ёки яқин қариндошларига телефон орқали қўнғироқ қилиш, ҳимоячиси билан сони ва вақти чекланмаган ҳолда холи учрашиш, ишда ҳужжатлардан техника воситаси ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш ҳуқуқига эга бўлди. Шунга ўхшаш ҳуқуқлар ҳимоячига ҳам тегишлидир. Бундан ташқари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарларга ҳам ўз ҳисобидан ишдаги ўзига тегишли бўлган ҳужжатлардан техника воситаси ёрдамида нусхалар олишига имкон яратилган.

▼ **Сенатда маъқулланган**

Мазкур Қонун билан Жиноят-процессуал кодексига "Гувоҳнинг адвокати" деб номланган янги $66^1$-модда киритилган. Унга биноан, жиноят ишининг исталган босқичида, яъни суриштирув, дастлабки тергов ёки судда гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда унга зарур юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида адвокат кўмагидан фойдаланишга рухсат берилади.

Шу ўринда мазкур нормада гувоҳнинг адвокати ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳни кўндиришга уриниш ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар орқали тўсқинлик қилмаслиги шарт экани ҳақидаги талаб акс эттирилганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Қонун ҳужжатларига киритилган яна бир янгилик шундаки, унга биноан, ҳимоячи ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш, давлат ва нодавлат ташкилотларига сўров юбориш ва улардан ҳужжатлар, тушунтириш олиб, ишга қўштириш каби ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

Шунингдек, қайд этилган Қонунга кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилганлик билан боғлиқ янги $197^1$-модда билан тўлдирилган. Эндиликда мазкур тоифадаги маъмурий ишлар судлар томонидан кўриб чиқилиб ҳал этилади.

**— Маълумки, юқорида номи зикр этилган Қонунга биноан, адвокат малакасига, мақомига қўйиладиган талаблар ўзгармоқда, қолаверса, Адвокатлар палатаси ҳам ташкил этилди.**

— Тўғри. "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг 4-моддасига асосан, "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг "Адвокат" деб номланган 3-моддаси янги таҳрирда баён қилинган. Шунингдек, мазкур қонун бир неча янги нормалар билан тўлдирилган. Адвокат мақомига эга бўлиш ($3^1$-модда), адвокатлар бюроси ($4^1$-модда), адвокатлик фирмаси ($4^2$-модда), адвокатлар ҳайъати ($4^3$-модда), юридик маслаҳатхоналар ($4^4$-модда) каби янги нормалар шулар жумласидан.

Бундан ташқари, адвокатнинг стажёри ($8^1$-модда), юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида битим (шартнома) ($9^1$-модда), Адвокатлар палатасининг асосий вазифалари ($12^2$-модда), Адвокатлар палатасининг органлари ва мансабдор шахслари ($12^3$-модда), адвокат мақомини тўхтатиб туриш ($13^1$-модда) ҳақидаги нормалар ҳам шундай янгиликлар сирасига киради.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирда баён қилинаётган 3-моддасига биноан, олий юридик маълумотга ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Шу билан бирга, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек, судланганлиги бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Адвокат илмий ва педагогик фаолиятдан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Саволингизнинг иккинчи қисмига тўхталадиган бўлсак, Адвокатлар палатаси Ўзбекистон Республикасида барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган нотижорат ташкилоти саналади. У ўзининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий бошқармалари билан биргаликда адвокатуранинг ўзини ўзи бошқариш ягона тизимини ташкил этади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, мазкур Қонуннинг сенаторлар томонидан маъқулланиши мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичидаги муҳим вазифалардан бири — адвокатура институтини янада эркинлаштириш ва адвокат фаолиятини такомиллаштириш, жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жараёнида нодавлат ташкилотларидан бири бўлган адвокатуранинг ўрни ва таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

**Қ. ХИДИРОВ суҳбатлашди.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Қарши туманидаги иқтисодиёт коллежи билан Плеханов номли Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент филиали ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилди.***

## Тажриба алмашдилар

Икки томонлама шартномага мувофиқ, коллежда ўтказилган дастлабки қўшма тадбир таълим тизимига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш масаласига бағишланди. Унда филиалнинг «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар» кафедраси мудири, профессор Назар Ҳакимов янги педагогик технологияларнинг моҳияти, Россия иқтисодиёт академияси тизимида бу соҳада тўпланган тажриба ҳақида маъруза қилди.

Келгусида коллеж ўқитувчиларининг филиал кафедраларида тажриба ўрганиш ва малака оширишлари ҳам кўзда тутилмоқда.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Жорий йилда Жиззахда 25 та иссиқхона хўжалиги ташкил этилди. Уларнинг 7 таси тадбиркорларнинг шахсий маблағи эвазига қурилган бўлса, 18 таси учун давлат томонидан 210 миллион сўмдан зиёд кредит ажратилди.***

## Иссиқхонада пишиқчилик

Дўстлик туманидаги "Ал-Бухорий" вилоятда фаолият кўрсатаётган иссиқхона хўжаликларининг энг кенжаси ҳисобланади. Бу ерда етиштирилган помидорнинг дастлабки ҳосили пешма-пеш шаҳарликлар дастурхонига тортиқ этилмоқда. Янги йил арафасида вилоятдаги жами 40 та иссиқхона хўжалигидаги ҳосил тўла етилади. Бу эса байрам дастурхони янада тўкин бўлишини таъминлайди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Жарқўрғон туманида фермер хўжаликларининг 41 таси чорвачиликка ихтисослашган. Кейинги уч йилда уларнинг қўралари тўлиб, қорамоллари 3560 бошга, қўй-эчкилари 21 мингтага етди.***

## Чорвачилик ривожланади

— Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қароридан келиб чиқиб, деҳқончилик-боғдорчилик билан банд фермерларимиз ҳам сигирларини 1200 тага кўпайтиришди, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими мутахассиси А. Жумаев. — "Мирза", "Ойбарчин-Асадбек" сингари хўжаликлар эса паррандачилик йўналишида фаолият юритмоқда.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***БМТ Ривожланиш дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, Бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" ташкил этилди.***

## Ишламоқчимисиз? Марҳамат!

Унда 128 та корхона 2043 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Тадбирда қатнашган олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 105 нафари "Сино", "УзИ Самарқанд", "Кинап", "Самарқандкимё" каби саноат корхоналарига мутахассисликлари бўйича ишга жойлашдилар.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

▼ **Бурч**

**Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, 2009 йилдан бошлаб йигитларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш йилига бир марта — февраль-март ойларида амалга оширилади. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар март-апрель ойларида уйига қайтади.**

# ЧАҚИРУВ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Соҳада амалга оширилаётган бу янгилик муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг профессионал тайёргарлигини янада ошириш, маънавий-ахлоқий ва интеллектуал салоҳияти юқори, жисмонан етук ҳарбийларни тарбиялашга қаратилган.

Айни пайтда жойлардаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида чақирилувчиларни 2009 йилдан янги тартиб асосида муддатли ҳарбий хизматга чақиришни юксак савияда ташкил этишга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда.

— Маҳаллий ҳокимликлар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари вакиллари ҳамкорлигида ўтказилаётган учрашувларда чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналарига давлатимиз раҳбарининг Фармонида белгиланган муддатли ҳарбий хизматнинг янги тартиби мазмун-моҳияти кенг тушунтирилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Баҳром Жуманиёзов. — Бўлажак аскарларга ҳарбий хизмат турлари, аскарларнинг ҳуқуқ ва бурчи, улар учун белгиланган имтиёзлар, ҳарбий қисм ва билим юртларида яратилган шарт-шароитлар ҳақида зарур маълумотлар берилмоқда.

Мудофаа ишлари бўлимлари ходимлари тегишли идоралар вакиллари билан ҳамкорликда чақирилувчиларнинг оилавий шароити, ҳарбий хизматга мослашув имкониятларини атрофлича ўрганмоқда. Чақирилувчиларнинг соғлиғи тиббий кўрикдан, жисмоний ва маънавий тайёргарлиги, билими, дунёқараши синовдан ўтказилади.

Навбатдаги чақирув мавсуми февраль-март ойларида ўтказилишини ҳисобга олиб, мудофаа ишлари бўлимларида ёшларни кўрикдан ўтказиш учун зарур шарт-шароит яратилмоқда.

Президентимизнинг мазкур Фармони ҳарбий хизматчиларнинг ўқув-жанговар тайёргарлигини ошириб, хизматни сифатли ўташи ва ҳарбий мутахассисликни фаол ўзлаштиришида янада кенг имкониятлар яратади. Буларнинг барчаси мамлакатимиз мудофаасининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МОДЕРНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ

***Қува тумани электр тармоқлари корхонаси тўрт юздан зиёд корхона, ташкилот ва мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари ҳамда кўп мингли аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.***

▼ **Интилиш**

Корхонада электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ундиришга жиддий эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда йилнинг ўтган даврида беш мингдан зиёд янги русумдаги электрон ҳисоблагичлар ўрнатилди.

Шунингдек, аҳоли зич жойлашган маҳаллаларга юқори кувватли трансформаторлар ўрнатилган. Албатта, корхонанинг бу интилишларидан Қува аҳолиси жуда мамнун.

**СУРАТДА:** корхона ҳаётидан лавҳа.

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.**



***Сирдарё туманидаги "Малик оқ булоқ" фермер хўжалиги чорвачиликка ихтисослашган. Бу хўжаликнинг раҳбари Фахриддин Нуриев қорамолларни боқиш ташвиши анча енгиллашганидан хурсанд.***

# МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ВА ФАРОВОНЛИК МЕЗОНИ

— Шундоққина ёнимизда омухта ем — кунжара, шрот, шелуха сотадиган махсус 47-шахобча ташкил этилганлиги биз учун айни муддао бўлди, — дейди у. — Тўғрисини айтсам, авваллари бу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар эшиги олдида ойлаб сарғайганча навбат кутардик. Ўзингиз айтинг: вақтида зарур емиш билан парвариш қилинмаган чорва моллари тош босадими? Шу боис ноиложликдан озуқани олибсотарлардан қиммат нархларда харид қилардик. Мана энди транспорт харажатлари ҳам ёнимизга қолаяпти. Ахир, омухта емни шаҳобчадан арзон баҳода сотиб олаяпмиз-да.

— Беш бош қорамолимиз бор, улар учун озуқани белгиланган тартибда ойма-ой олиб турибмиз, — дея суҳбатга қўшилади Гулистон туманида яшовчи фуқаро Иномжон Отақўзиев. — Янги ташкил этилган ушбу шахобчалар шахсий ёрдамчи хўжаликларда чорвачиликни ривожлантиришда қулайлик яратаяпти.

Дарҳақиқат, бугун бундай илиқ фикрларни кўплаб фермер, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари эгаларидан эшитиш мумкин. Бу, албатта, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросининг самарасидир. Мазкур Қарорга кўра, республикамизнинг барча вилоятларида чорва молларига омухта ем сотишга ихтисослаштирилган бирлашмалар ташкил этилиб, уларнинг узлуксиз фаолият юритиши таъминланмоқда.

▼ **Қарор ва ижро**

— Янги бирлашмаларнинг асосий мақсади шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини янада кўпайтириш учун қулай имконият яратиш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг бандлик даражаси ва даромадларини оширишга қаратилган, — дейди Сирдарё вилоятидаги "Сирдарё омухта ем" масъулияти чекланган жамияти раиси Шуҳрат Жабборов. — Ҳозирда барча туманларда жамиятимизнинг бирлашмалари ва 56 та шахобчамиз фаолият юритмоқда. Гап шундаки, вилоятимиз бўйича турли шаклдаги хўжаликларда 204659 бош қорамол мавжуд. Ўтган қисқа муддат ичида улар учун ёғ-мой ва донни қайта ишлаш корхоналаридан 9901,6 тонна кунжара ва шелуха олишга эришдик. Бунда, шубҳасиз, бирлашмаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун банклардан 370 миллион сўмлик кредит олганимиз қўл келди. Қолаверса, истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида ўзимиздаги мавжуд транспорт воситалари ёрдамида маҳсулотларни шахобчаларга етказиб бериш ва уларни тенглик асосида тарқатишни йўлга қўйдик. Муҳими, савдо шахобчаларида озуқа маҳсулотлари нақд пулга, пул ўтказиш йўли билан ёки пластик карточкалар орқали чакана нархларда сотилмоқда. Буларнинг бари пировардида жойларда 216 та янги иш ўрнини яратиш имконини берди.

Суҳбат асносида янги тизимнинг хизматидан истеъмолчилар мамнун эканлиги аён бўлди.

— Махсус савдо шахобчалари озуқа учун нарх белгилаш ва сотишда инсофсизлик ва суиистеъмолчиликдек иллатларга жиддий тўсиқ қўйди, — дейди сирдарёлик чорвадор Олимжон Йўлдошев. — Мана, бир мисол. Бозорда бир килограмм кунжара 350 сўм, шунча шелуха 200 сўм бўлса, шахобчаларда уларни мутаносиб равишда 202 ва 96 сўмдан сотиб олаяпмиз. Эътиборлиси, қонунчиликда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол парваришлаш билан шуғулланган шахслар иш билан банд аҳоли тоифасига киритилиши, уларга меҳнат дафтарчаси берилиши ва иш стажи ҳисобга олиниши, улар нафақа ёшига етганда нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлиши белгилангани нур устига аъло нур бўлди.

Оқлик, яъни сут ва қатиқ бор хонадонда соғлиқ бор, дейишади. Аҳоли соғлиғи эса юрт бойлигидир. Шу жиҳатдан олганда, чорвачиликни ривожлантиришга ҳисса қўшаётган янги бирлашмалар фаолияти ҳаммага манзур бўлаётир.

**Абдураззоқ КАРИМОВ.**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА НИДЕРЛАНДИЯ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

***Тошкент Ахборот технологиялари университети ректори С. Қосимов раҳбарлигидаги делегация Нидерландиянинг Фонтис университетида бўлди.***

▼ **Биз ва дунё**

Ташриф доирасида Фонтис университети раҳбарияти, жумладан, университет вице-президенти Я. Хубен ҳамда мазкур олий ўқув юртининг Ахборот ва коммуникация технологиялари олий мактаби директори А. Виссерс билан учрашувлар ўтказилди.

Музокаралар чоғида ахборот технологиялари соҳасида талабалар, ўқитувчи ва мутахассислар алмашиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ўзбекистонлик талабаларнинг Нидерландияда тажриба орттиришини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувлар якунида Тошкент Ахборот технологиялари университети билан Фонтис университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Англашув меморандуми ва Ҳамкорликда бакалаврлар тайёрлаш бўйича битим имзоланди.

Имзоланган Меморандум икки олий ўқув юрти ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни чуқурлаштириш, талабалар ва ўқитувчилар алмашиш, биргаликда илмий изланишлар ўтказиш, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасида ўзаро тажриба алмашишни назарда тутади.

Делегация аъзолари Фонтис университетидаги мавжуд таълим жараёни ва амалиёт ўташ тизими ҳамда Нидерландиянинг ахборот технологиялари ишлаб чиқаришга ихтисослашган бир қатор йирик компаниялари фаолияти билан танишди.

**Азим МУҲАММАДЖОНОВ.**
**«Жаҳон» АА.**
Брюссель.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт



**Футбол бўйича Ўзбекистон чемпиони ва кубоги соҳиби "Бунёдкор" 2009 йилнинг 25 январь — 1 февраль кунлари Исроилда Россия телевидениеси биринчи канали билан ҳамкорликда ўтказиладиган анъанавий халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилади.**

## «Бунёдкор» биринчи канал кубогида қатнашади

Ўзбекистон Футбол федерацияси матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, "Биринчи канал кубоги" деб номланадиган ушбу нуфузли мусобақада ЦСКА (Москва), "Зенит" (Санкт-Петербург), "Крилья Советов" (Самара), "Динамо" (Киев), "Металлист" (Харьков), "Шахтёр" (Донецк), "Днепр" (Днепропетровск) сингари Россия ва Украина миллий чемпионатининг етакчи жамоалари ҳам қатнашади.

Мазкур мусобақа келаси йилнинг 10 март куни бошланадиган Осиё чемпионлар лигаси ўйинлари олдидан "Бунёдкор" футболчилари учун тайёргарлик вазифасини ўтайди.

## Гроссмейстерлар Элистада беллашади

**13-29 декабрь кунлари Элиста (Россия) шаҳрида ФИДЕнинг Гран-при туркумига кирувчи йирик халқаро шахмат мусобақаси бўлиб ўтади.**

Турнирда Темур Ражабов, Шаҳриёр Мамадиёров (Озарбойжон), Петер Леко (Венгрия), Евгений Алексеев, Дмитрий Яковенко (Россия), Ван Юэ (Хитой), Павел Эльянов (Украина), Владимир Акопян (Арманистон) сингари тажрибали шахматчилар қаторида ҳамюртимиз, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов ҳам бош соврин учун дона суради.

# ЎЗБЕКИСТОН МУАЙТАЙЧИЛАРИ ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

**Кеча «Ўзбекдавлатцирки» биносида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кунга бағишлаб муайтай бўйича ўтказилаётган мамлакат кубоги мусобақаларига старт берилди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази ҳамда республика Муайтай федерацияси ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу турнирда жаҳон, Осиё ва мамлакат чемпионати ғолиб ва совриндорлари иштирок этмоқда.**

Таъкидлаш лозимки, спортнинг мазкур тури бўйича юртдошларимиз эришаётган натижалар йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Айниқса, жорий йилнинг 12-19 апрель кунлари ўзбекистонлик спорт ихлосмандлари хотирасида узоқ вақт сақланиб қолса, ажабмас. Негаки, айнан шу кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтказилган III Бутунжаҳон яккакурашлар ўйинларида муайтай бўйича Ўзбекистон терма жамоаси саккиз нафар спортчи билан қатнашиб, 7 та олтин ва 1 та кумуш медали билан умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни қўлга киритган эди.

Халқаро миқёсда ўтказиладиган нуфузли мусобақаларда бирон-бир мамлакат иштирокчиларининг тўлиқ таркиб билан финал йўлланмасини қўлга киритган ҳолатлари камдан-кам учрайди. Ўшанда ўзбекистонлик муайтайчилар ана шу қийин вазифани шараф билан уддаладилар. Қолаверса, умумжамоа ҳисобида муайтай спорт тури ватани Таиланд спортчиларини ҳам ортда қолдирган йигитларимиз муваффақияти билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Шунингдек, вакилларимиз Пусан (Жанубий Корея)да ўтган жаҳон чемпионатида ҳам муваффақиятли қатнашиб, 1 та олтин, 5 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритдилар.

Албатта, ҳамюртларимизнинг бу ютуқлари тасодифий эмас. Уларнинг замирида Президентимиз томонидан юртимизда спортга, айниқса, болалар спортига берилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик мужассам.

— "Ўзбекистон муайтайчилари гиёҳвандликка ва терроризмга қарши" шиори остида ўтказилаётган мазкур мусобақада энг етакчи спортчиларимиз рингга кўтариладилар, — дейди муайтай бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи, халқаро тоифадаги ҳакам Замирбек Қосимбеков. — Қолаверса, ғолиблар орасидан 2009 йили Вьетнамда ёпиқ иншоотларда бўладиган Осиё ўйинлари ва Австралия давлати мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионатида қатнашадиган терма жамоа таркиби шакллантирилади.



Ўзбекистон кубоги мусобақаларини 51 килограмм вазн тоифасида бухоролик Жамол Имомов ва тошкентлик Бахтиёр Каримовлар бошлаб беришди. Унда рақиби жароҳат олганлиги сабабли Бахтиёр Каримов муддатидан олдин ғалаба қозонди. Яна бир Тошкент шаҳри спортчиси, жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори Аҳмат Мирзаев (54 кг.) ҳам мусобақада зафар қучди.

Ўзбекистон кубоги мусобақалари давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

## МАДАНИЯТ хабарлари

**Бухоро давлат қўғирчоқ театри жамоаси Ашхобод шаҳрида ижодий гастролда бўлди.**

## Театрнинг ижодий сафари

Режиссёр Лола Сувондиқова томонидан саҳналаштирилган, ёш томошабинлар қалбига эзгулик, яхшилик туйғусини сингдирадиган "Олам мўъжизалари" ҳамда "Балли, сичқонча" спектаклларини беш кун давомида туркманистонлик тўққиз мингдан зиёд ўғил-қизлар томоша қилди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Кутубхоначилар танлови

**Хоразмда "Ахборот-ресурс марказининг энг яхши мутахассиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Танловда шаҳар ва туманлар босқичларида ғолиб бўлган кутубхоначилар иштирок этишди.

Тадбир қатнашчилари ўз касб-маҳоратларини намойиш этиш билан бирга, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир янгиликлар, компьютер саводхонлиги бўйича ҳам билимларини синовдан ўтказдилар. Унда Янгибозор тумани ахборот ресурс маркази ходими Юлдуз Бекчанова ғолиб, деб топилиб, танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Маърифат маркази

**Фарғона давлат университети марказий кутубхонаси базасида янги маърифат маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Ушбу марказ барча замонавий талабларга жавоб беради. Кенг ва ёруғ залларга Интернет тармоғига уланган 50 та энг сўнгги нусхадаги компьютерлар ўрнатилган. Марказнинг китоб фонди эса 757 минг нусхага етди.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНУР ВАТАН»

**Тошкент фотосуратчилар уйида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган анъанавий кўрик-танлов шундай деб номланди.**

Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад истиқлол йилларидаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, маҳаллалардаги янгиланиш ва ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини суратлар орқали ифода этишдир. Кўрик-танловда республикамизнинг барча ҳудудларидан 33 нафар фотосуратчи қатнашиб, жами 468 та фотолавҳа ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилди.

Маҳалла азал-азалдан халқимизга хос қадриятлар акс этган маскан саналган. Бу ерда одамларнинг юриш-туриши, нима иш билан машғул эканлиги, ким нимага муҳтож — ҳамма-ҳаммаси кўзгудагидек аниқ ва равшан намоён бўлиб туради. Шунинг учун бўлса керак, аждодларимиз: "Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла" деб, маҳалланинг тарбия ўчоғи эканлигини алоҳида таъкидлашган. Танловга тақдим этилган суратларни томоша қилар эканмиз, бу ҳикмат бежиз айтилмаганлигига амин бўлдик.

▼ Танлов

Мустақиллик шарофати билан ҳаётимизда рўй бераётган янгиланишлар маҳаллаларимиз қиёфаси ва фаолиятини ҳам тубдан ўзгартирди. Ўзини ўзи бошқариш тизимига алоҳида эътибор қаратилаётгани боис маҳалла жамиятимизнинг муҳим бўлагига айланди. Намойиш этилган фотосуратларда ана шу жараён — маҳаллаларда эришилаётган ютуқ ва муваффақиятлар, янгиликларни воқеликка татбиқ этиш, ташаббускорлик акс эттирилган.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан махсус диплом ҳамда совғалар билан тақдирланишди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**









Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ИИЧБси, Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Азимовга волидаи муҳтарамаси **ҲАЛИМАХОН аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси «Иқтисодиёт назарияси» кафедрасининг катта ўқитувчиси Абдунаби Турсуновга волидаи муҳтарамаси **КАРОМАТХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Математика ва информацион технологиялар институти жамоаси дифференциал тенгламалар лабораторияси мудири, академик Маҳмуд Салоҳиддиновга волидаи муҳтарамаси **ЗУҲРА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

"Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси жамоаси компания бош директорининг биринчи ўринбосари **Мирсобит Ғаниевич МИРЗАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари немис филологияси факультети ходими Юлдузхон Абдуллаевага падари бузруквори **ФОЗИЛЖОН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти жамоаси ҳисоб-иқтисодиёт факультети декани ўринбосари Х. Насреддиновга падари бузруквори **САДРИДДИН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 25237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 21.20 7